

**Abdulaziz M. YAKHSHILIKOV**,  
Research fellow of the Imam Maturidi  
International Scientific Research Center.  
11, A.Kadiri str. 100011,  
Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [abduazizyaxshilik@gmail.com](mailto:abduazizyaxshilik@gmail.com)

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/10

## САБАБИ НУЗУЛ ИЛМИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

### THEORETICAL ISSUES OF RESEARCHING THE STAGES OF DEVELOPMENT OF THE SCIENCE OF ASBAB AN-NUZUL

### ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ ЭТАПОВ РАЗВИТИЯ НАУКИ ОБ ОБСТОЯТЕЛЬСТВАХ НИСПОСЛАНИЯ

#### КИРИШ

Муҳаммад (с.а.в.) билан доимо бирга юрган саҳобалар табиийки, бошқалардан фарқли ўлароқ оятлар нозил бўлишига алоқадор сабаб ва ҳолатлардан кўпроқ воқиф бўлганлар. Шу боисдан ҳам улар динни теран тушуниш, унинг моҳиятини англаш борасида бошқалардан устун бўлишган. Масруқ ибн Абдурахмон (ваф. 62/682) шундай дейди: “Муҳаммад (с.а.в.)нинг саҳобалари билан суҳбатдош бўлдим. Уларнинг худди кўллар каби турлича эканларига гувоҳ бўлдим. Айрим кўллар бир кишининг чанқоғини қондирса, бошқаси икки кишини, учинчиси юз кишини чанқоғини қондиради. Шундай кўллар борки, бутун ер юзи аҳолисини ташналикдан халос этишга етарлидир” (Муҳаммад ибн Саъд ибн Маниъ, 2001).

#### АСОСИЙ ҚИСМ

Сабаби нузул илми алоҳида илм сифатида ажралиб чиқиб, ҳозирги кўринишга келгунича бир қанча босқичлардан ўтган.

Пайғамбар (с.а.в.) ва саҳобалар даври.

Бу давр сабаби нузул илмининг юзага келишида илк босқич саналади.

Саҳобалар Қуръон маъноларини тўлиқ англаш мақсадида оятларни вазият билан боғлиқ

ҳолда ёдда сақлаб қолганлар. Бу борада улардан бир гуруҳи пешқадам бўлганлар. Али ибн Абу Толиб (ваф. 40/661): “Аллоҳга қасамки, (Қуръонда) нима учун, қачон нозил бўлганини мен билмайдиган бирор оят йўқ. Раббим менга идрок этувчи қалб ва сўровчи тил инъом этган” (Муҳаммад Муҳаммад Абу Захв, 1984), деган. Бундан кўриниб турибдики, саҳобалар Қуръон оятларини ёдлаш билангина кифояланиб қолмай балки, шу билан бир қаторда, унга боғлиқ бўлган бошқа маълумотларни ҳам хотираларида сақлаб қолишга катта аҳамият берганлар. Бунинг тасдиғи сифатида Абдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 32/650) (р.а.)нинг: “Ягона Аллоҳга қасамки, Аллоҳнинг китобида қаерда нозил бўлганини мен билмаган бирор сура йўқ. Аллоҳнинг Китобидан бирор оят йўқки, мен унинг нима ҳақда нозил бўлганидан беҳабар бўлсам. Агар Аллоҳнинг Китобини мендан кўра яхшироқ биладиган бирор кимни билсам ва унинг олдида туя билан етиб бориш имкони бўлса, албатта борган бўлардим”, деган. Бошқа ривоятда: “Аллоҳга қасамки, Набий (с.а.в.)нинг асҳоблари Аллоҳнинг Китобини улар орасида энг яхши билимдони мен эканимни улар биладилар”, деган.

Ўша даврда улар яшаган жамиятда ёзишга эмас ёдлашга кўпроқ таянилар эди. Оятлар, ҳадислар саҳифа ва китобларда эмас хотираларда сақланарди (Муҳаммад Абу Захв, 1958). Бундан Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларида ёзиш мутлақо бўлмаган деган маъно чиқмайди.

Тобеинлар даври.

Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этганларидан сўнг фатҳлар кўпайди. Саҳобалар янги фатҳ қилинган юртларга тарқалиб, ўша ернинг туб аҳолисига Қуръон таълим бериш, унинг маъноларини изоҳлаш ва унга тегишли бошқа илмларни ўргатиш масъулиятини ўз зиммаларига олганлар. Тобеинлар илм олиш учун тўғридан-тўғри саҳобаларга мурожаат қилишди. Ҳасан Басрий (21/642–110/728)нинг: “Аллоҳ қайси оятни туширган бўлса, нима ҳақда нозил бўлган ва унда нимани назарда тутганини билишни хоҳлайман” (Иброҳим ибн Мусо Шотибий, 1997) деган сўзи ҳам илмга ташна тобеинларнинг сабаби нузул илмига нечоғлиқ иштиёқманд бўлганларини кўрсатади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) (ваф. 32/650)дан Зир ибн Ҳубайш (ваф. 81/700), Абу Воил Шақиқ ибн Салама (ваф. 82/701), Алқама (ваф. 61/681), Асвад (ваф. 75/694) ва бошқалар таълим олишди. Саид ибн Жубайр (ваф. 95/714), Ато ибн Абу

**Аннотация.** Сабаби нузул илми алоҳида илм сифатида ажралиб чиқиб, ҳозирги кўринишига келгунча бир қанча босқичлардан ўтган. Саҳоблар Қуръон маъноларини тўлиқ англаш мақсадида оятларни улар нозил бўлган ҳолат ва вазият билан боғлиқ равишда ёдда сақлаб қолганлар. Ўша даврда маълумотларни ёзишига эмас, хотирада сақлашга кўпроқ эътибор қаратилган. Тобеинлар даврига келиб исломий билимларни тадвин қилишига аҳамият берилди бошланди. Биринчи бўлиб ҳадислар жамланди. Сабаби нузул, оятларнинг тафсирига оид маълумотлар ҳадис тўпламлари ичидан жой олди. Кейинчалик бу борада мустақил асарлар яратилди.

Мақолада сабаби нузул илмининг ривожланиши босқичлари даврлар бўйича келтирилиб, сўнгра унинг алоҳида фан сифатида ажралиб чиқишига тўхталиб ўтилган. Бу илмга бағишланган мустақил асарлар, уларнинг номлари ҳамда муаллифлари зикр қилинган. Дастлаб ёзилган асарлар билан кейинги даврда ёзилган асарларнинг ўхшашликлари ва фарқлари таҳлил қилинган. Имом Воҳидийнинг “Асбоб ан-нузул” асари бизга тўлиқ ҳолда етиб келган мўътабар манба бўлгани учун унинг устунликлари, ундаги санад билан боғлиқ камчиликлар ҳатто сабаби нузулга доир ривоятлар сони ҳақидаги кенг маълумот берилган.

Умуман олганда, мақолада бу илмнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва алоҳида илм сифатида ажралиб чиқиши тарихий жиҳатдан ёритилган. Қуръон илмлари орасида бу илм алоҳида ўрин тутиши ва унинг хусусиятлари келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Сабаби нузул, саҳоба, саҳифа, фатҳ, тобиин, тадвин, фатво, муснад, Андалус, қироат, санад.

**Abstract.** *Asbab an-nuzul science went through several stages until it formed as a separate science and came to its present appearance. To fully understand the meaning of the Qur'an, the Sahabah memorized the verses in the context of their revelation and the situation. At that time, more attention was paid to storing information in memory than to writing. By the time of the Tabi'in, importance was given to the "tadwin" of Islamic knowledge. Hadiths were collected first. The reason is that the information about interpretations of the verses was revealed in the hadith collections. Later, independent works were written in this regard.*

*In the article, the stages of the development of the science of Asbab an-nuzul are given by periods, and then its formation as a separate science is discussed. Independent works dedicated to this science, their titles, and authors are mentioned. The similarities and differences between the works written in the early period and the works written in the later period were analyzed. Especially since Imam Wahidi's work "Asbab an-nuzul" is a reliable source that has reached us in its entirety, its advantages, shortcomings related to the sanad, and even the number of narrations about asbab an-nuzul were covered with extensive information.*

*In general, the article describes the emergence, development, and formation of this science as a separate science historically. Among the sciences of the Qur'an, this science has a special place, and its characteristics are mentioned.*

**Keywords:** *Asbab an-nuzul, sahaba, sahifa, opening, tabi'in, tadwin, fatwa, Musnad, Andalus, recitation, sanad.*

**Аннотация.** Наука “Асбаб ан-нузул” прошла несколько этапов развития, пока не сформировалась как отдельная наука и не пришла к своему нынешнему виду. Чтобы полностью понять смысл Корана, сахабы запоминали аяты в контексте их откровения и ситуации. В то время больше внимания уделялось хранению информации в памяти, чем записи. Ко времени табиитов большое значение придавалось “тадвинам” исламских наук. Сначала были собраны хадисы. Информация о толкованиях аятов и обстоятельствах их ниспослания раскрывалась в сборниках хадисов. Позднее на этот счет были написаны самостоятельные работы.

В статье по периодам даны этапы развития науки “Асбаб ан-нузул”, а затем рассмотрено ее становление как отдельной науки. Указаны самостоятельные работы, посвященные этой науке, их названия и авторы. Анализируются сходства и различия между произведениями, написанными в ранний период, и произведениями, написанными в более поздний период. Кроме того, труд имама Вахиди “Асбаб ан-нузул” является достоверным источником, дошедшим до нас в полном объеме, его достоинства, недостатки, связанные с санадом, и даже количество хадисов об “Асбаб ан-нузул” были всесторонне освещены.

В целом, в статье исторически описывается возникновение, развитие и становление “Асбаб ан-нузул” как отдельной науки. Среди наук Корана эта наука занимает особое место.

**Ключевые слова:** Асбоб ан-нузул, сахаба, страница, открытие, табиит, тадвин, фетва, муснад, андалус, декламация, санад

Рабоҳ (ваф. 114/732), Товус ибн Кайсон (106/724) ва бошқа тобеинлар Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) нинг (ваф. 68/687) шогирдлари сифатида кўзга ташландилар. Оиша (р.а.)дан Масрук (62/682), Урва ибн Зубайр (ваф. 94/713), Абу Салама ибн Абдуррахмон (94/713) ва бошқалар таҳсил олишди (Фахд ибн Абдуррахмон Румий, 2005). Бу боскичда ҳам бошқа исломий илмлар қатори бу илм ҳам устоздан шогирдга оғзаки тарзда нақл қилинган.

Ҳадисларни тадвин (китоблар ёзилиш) даври.

Халифа Умар ибн Абдулазиз (61/681–101/720) ҳадисларни ёзишга катта эҳтиёж туғилганини пайқади ва 100/718 йил бошида бу ҳақда Мадина ҳокими ва қозиси Абу Бакр ибн Ҳазмга (36/656–120/738): “Росуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳадисларига назар сол ва уларни ёз. Мен илми йўқолиб кетишидан, уламолар айрилишдан хавотирдаман” (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Наср Марвазий, 2001), дея мактуб ёзди. Унга Амра бинти Абдуррахмон (98/717) ва Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр (107/725) билган хабарларни ҳам ёзишни таклиф қилди. Шунингдек йирик исломий шаҳарларнинг ҳокимларига ҳадисларни тўплаш ҳақида буюрук берди. Айнан шу масала юзасидан мактуб йўлланганлар қаторида Ибн Шихоб Зухрий (ваф. 124/742) бор эди. Ўша вақтдан бошлаб уламолар суннатни ёзишга киришдилар. Имом Зухрийдан кейинги табақада бу борадаги ишлар авжига чиқди. Маккада Абдулмалик ибн Журайж (ваф.150/767), Мадинада Муҳаммад ибн Исҳоқ (80/699–151/769), Молик Ибн Анас (ваф.179/795), Басрада Робиъ ибн Собих (ваф.160/777), Саид ибн Абу Аруба (ваф.156/773), Ҳаммод ибн Салама (ваф. 167/783), Куфада Суфён Саврий (ваф.161/778), Шомда Абуррахмон ибн Амр Авзой (ваф. 157/774), Воситда (Ироқдаги шаҳар) Хушайм ибн Башайр (ваф. 183/799), Яманда Маъмар ибн Рошид (ваф. 153/770), Хуросонда Жарир ибн Абдулхамид (ваф. 188/804), Абдуллоҳ ибн Муборак (ваф.181/797) ҳадисларни тўплаш йўлида жонбозлик кўрсатишди (Муҳаммад Муҳаммад Абу Заҳв, 1958). Бу асарларнинг аксари ҳадислар билан биргаликда саҳоба ва тобеинларнинг фатволарини ҳам ўз ичига олган эди (Муҳаммад Ажжаж Хатиб, 1988). Бунга имом Молик ибн Анас (93/711–179/795) (р.а.) нинг “Мувадто” асарини мисол қилиш мумкин. У боблар асосида тартибланган бўлиб, ўз ичига ҳадислардан ташқари саҳобларнинг сўзлари ва тобеинларнинг фатволарини ҳам олган. Уларнинг

аксари Мадина аҳлидан бўлганлар. Гоҳида фикҳий қарашларни келтирган бўлсада, асар ҳадис йўналишида тасниф қилинган. Унда сабаби нузулга оид жами ўнта<sup>1</sup> ривоят келтирилган.

Кейинчалик ҳадислар алоҳида ажратилди. Дастлаб муснад йўналишидаги китоблар таълиф қилинди. Муснадларда ҳар бир саҳобадан алифбо ёки исломга кириш навбати бўйича ривоят қилинган ҳадислар мавзуга рия қилинмаган ҳолда келтирилади. Абу Довуд Таёлисий (ваф. 204/819)нинг “ал-Муснад” асари бу йўналишда ёзилган биринчи тўпламлардан саналади. Унда сабаби нузулга оид ривоятлар тарқоқ ҳолда учрайди. Масалан, Абдуллоҳ ибн Умар (ваф.73/693)дан қуйидаги ривоят келтирилган: «Хамр (маст қилувчи ичимликлар) ҳақида учта оят нозил бўлган. Улардан энг биринчи **“Сиздан хамр ва қимор ҳақида сўрашади”**<sup>2</sup> оятидир» (Абу Довуд Сулаймон ибн Довуд Таёлисий, 1999).

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (164/781–241/855) нинг “ал-Муснад” асари қирқ мингга яқин ҳадисни ўз ичига олган йирик ҳадис тўплами бўлгани боис сабаби нузулга доир ривоятлар бошқаларига қараганда унда кўпроқ учрайди. Қуръони қиримнинг қирқ уч<sup>3</sup> сураси бўйича жами уч юз йигирма уч ривоят келтирилган. Мисол тариқасида қуйидаги ривоятни келтириш мумкин. Саҳоба Абу Айёш Зуракий айтади: Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) билан бирга Усфанда<sup>4</sup> эдик бизларни мушриклар қарши олди. Ўшанда Холид ибн Валид уларнинг бошлиқлари эди. Улар биз билан қибла орасида эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) биз билан бирга пешин намозини ўқидилар. Улар: “Биз уларни кутмаган пайтларида ҳужум қилганимизда эди. Ҳозир уларга бир намоз келади, у улар учун ўзлари ва бола-чақаларидан ҳам суюқлик”, дейишди. Ўшанда пешин билан аср орасида Жаброил ушбу оятларни нозил қилди: (Эй Муҳаммад,) **мўминлар орасида турганингизда уларга имом бўлиб намоз ўқимокчи бўлсангиз...**” (Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал, 2001).

<sup>1</sup> Бақара: 3, Моид: 1, Анфол: 1, Ҳаж: 1, Нур: 1, Ахзоб: 1, Абаса: 1, Ихлос: 1.

<sup>2</sup> Бақара сураси, 219-оят.

<sup>3</sup> Бақара: 36, Оли Имрон: 24, Нисо: 37, Моид: 34, Анъом: 1, Анфол: 14, Тавба: 11, Худ: 10, Ҳижр: 1, Наҳл: 2, Исро: 8, Қаҳф: 1, Марям: 6, Ҳаж: 1, Нур: 14, Фурқон: 3, Қосос: 3, Анкабут: 2, Рум: 2, Лукмон: 1, Ахзоб: 23, Сод: 2, Зумар: 5, Фуссилат: 5, Духон: 7, Фатҳ: 11, Хужурот: 8, Қамар: 3, Воқеа: 1, Мужодала: 6, Ҳашр: 2, Мумтаҳина: 2, Соф: 1, Жумъа: 2, Мунофиқун: 4, Таҳрим: 4, Жин: 1, Мудассир: 5, Қиёмат: 5, Зуҳо: 4, Алак: 2, Масад: 2, Ихлос: 1.

<sup>4</sup> Макканинг шимоли-ғарбида 80 км узоқликда жойлашган минтақа. Унинг катта қисми Жидданинг шимоли-шарқи билан туташиб кетган.

Имом Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон Доримий (181/797–255/869) “ал-Муснад Ал-Жоме” асарида ҳадислардан ташқари саҳобалар, тобеинларнинг сўзлари ҳамда улардан кейин келган фикҳда пешво илм аҳллари ва гапларини ҳам келтирган. Ҳадис ривоятдан кейин ундан олинган фикҳий фойдани илова қилади.

Кейинчалик Имом Бухорий (194/810–256/870) биринчи бўлиб фақат саҳиҳ ҳадисларга бағишланган тўпламини яратди. Унда баъзи ҳадисларни такрор келтирди, айримларини турли бобларга мос келиши учун қисқартирган ҳолда ривоят қилди. Унда сабаби нузул ривоятлари кўп учрайди бироқ, маълум. Бир китоб (бўлим) да жамланмаган. Муносиб бобларда тарқоқ келтирилган.

Муслим ибн Ҳажжож (206/822–261/875) томонидан таълиф этилган “ал-Муснад ас-саҳиҳ” асарида, имом Абу Довуд (202/817–275/888) “ас-Сунан” асарида, Аҳмад ибн Шуайб Насоий (215/829–303/915) “ал-Мужтабо мин ас-сунан” асарида сабаби нузулга оид ривоятлар китоблар ва бобларга муносиб равишда тарқоқ ҳолда келган. Имом Термизий (209/824–279/892)нинг “ас-Сунан” асарида бошқаларидан фарқли ўларок “Қуръон тафсири боблари” номли алоҳида бобда бир қанча сабаби нузул ривоятлар ўрин олган ва китобнинг турли бобларида тарқоқ ҳолда келтирилган.

#### **Сабаби нузулга бағишланган мустақил асарлар**

Уламолар сабаби нузул илмига эртароқ эътибор қаратганлар. Биринчи бўлиб:

Маймун ибн Мехрон (ваф. 117/735) “Тафсил ли Асбоб ан-танзил” (Қуръон оятлари нозил бўлиш сабаблари ҳақида батафсил манба) номли асар ёзган. Суриялик тадқиқотчи Абдулҳаким Унайс асар кўёмасини кўргангани айтган (Аҳмад ибн Али Ибн Ҳажар Асқалоний, 1997).

Али ибн Мадиний (ваф. 161/778–234/849) “Асбоб ан-нузул” (Нозил бўлиш сабаблар) асарини ёзган (Заркаший, 1980). Афсуски бу асарнинг бизгача етиб келган нусхаси аниқланмаган. Муаллиф китобига фақат саҳиҳ ва ҳасан даражасидаги ривоятларни киритган дейиш мумкин. Чунки у ривоятларни қабул қилишда ўта талабчанлиги машҳур бўлган “жарҳ ва таъдил”, “илал ал-ҳадис” илмларининг пешқадам билимдонларидан бўлган. Имом Бухорийнинг “Ҳеч кимнинг олдида ўзимни Али ибн Мадинийнинг олдидачалик арзимас сана-

маганман” деган сўзи ҳам унинг ҳадис бобида қанчалик етук бўлганини кўрсатади (Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий, 1985).

Қози Абдуррахмон ибн Муҳаммад Футаийс Қуртубий (ваф. 402/1012) “ал-Қисас ва ал-асбоб аллатий назала мин ажлиҳа ал-Қуръон” (У сабабли Қуръон оятлари нозил бўлган қиссалар ва сабаблар” асарини тасниф қилган (Шамсиддин Муҳаммад ибн Али Довудий, 1983). Ибн Башкувал (Қосим Халаф Ансорий ибн Абдулмалик (Ибн Башкувал), 1966) (494/1101–578/1183) ана шу ном билан зикр қилган. Ибн ал-Имод Ҳанбалий (1032/1623–1089/1679) асар номини “Китоб асбоб ан-нузул” деб келтирган (Абдулхай ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Имод Ҳанбалий, 1989). Имом Заҳабий Абу Муторриф Андалусийнинг “Китоб ал-Қисос” (Қиссалар китоби) ва “Китоб асбоб ан-нузул” (Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий, 1987) (Сабаби нузул ҳақидаги китоб) ни бошқа-бошқа китоблар деган фикрни илгари сурган. Лекин жазм билан бирор гап айтмаган.

Асар номидан кўрғиб турибдики, муаллиф сабаб билан қиссани бир-биридан ажратган. Агар улар бир хил маънони англатганида биттаси билан кифояланган бўлар эди. Шунингдек асар номи Қуръонда зикри келган умматларнинг қиссалари нозил бўлиш сабабига алоқадор эмаслигини англатади. Ибн Футаийс Али ибн Мадинийнинг асари билан таниш бўлган ва ўз асарида униқига қараганда кўпроқ маълумотларни жамлаган дейиш мумкин. Чунки у оммавий кутубхонлар кўп, нусха кўчирувчи хаттотлар сероб бўлган даврда яшаган. Айниқса, Андалус подшоҳлари Боғдод ва ислом оламининг бошқа ўлкаларидаги китобларни имкон қадар йиғишга алоҳида аҳамият берганлари айтилиши мумкин. Энг асосийси Ибн Футаийснинг катта муҳаддис (Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий, 1985) бўлгани ва Қуръон илмлари билан шуғуллангани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Исмоил ибн Аҳмад Найсабурий аз-Зарир (ваф. 431/1040) “Асма ман назала фикҳим ал-Қуръон” (Улар борасида Қуръон (оят) нозил бўлган шахсларнинг исмлари) асарини ёзган. Уни аввалги уламолар қироат, тафсир ва ҳадисда имом деганлар. Биринчи бўлиб Жалолиддин Суятий (849/1445–911/1505) ўзининг “ал-Итқон фи улум ал-Қуръон” (Қуръон илмлари ҳақидаги мукамал асар) китобини ёзишда фойдаланган адабиётлар рўйхатида келтирган. Бу эса ўн бешинчи асар-

нинг охирларида мазкур асар мавжуд бўлганига далолат қилади (Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий, 1985).

Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад Воҳидийнинг (ваф. 468/1076) “Асбоб ан-нузул” (Нозил бўлиш сабаблари) асари бизгача етиб келган сабаби нузулга оид муҳим манба ҳисобланади. Воҳидий китобида беш юздан ортиқ ривоятларни келтирган. У аввал сура номини кейин эса оятларнинг нозил бўлиш сабабини келтиради. Китоб муқаддимасида “Сабаби нузул ҳақида ривоят ва нақлсиз бирор сўз гапириш ҳалол бўлмайди” деган. Аммо асарда санадсиз ривоятлар кўп учрайди. Бу билан у эҳтиёт бўлишга чақирган ишни ўзи қилиб қўйган. Масалан Моида сурасининг 57–58-оятларининг сабаби нузули ҳақида Абдуллоҳ ибн Аббосдан келтирилган чамаси бир бетни ташкил қиладиган ривоятлар санадсиз ҳолда келган (Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад Воҳидий, “Асбоб ан-нузул”// Саййид Аҳмад Сақар таҳқиқи, 1969). У Аҳмад ибн Иброҳим Саълабий (ваф. 427/1035)нинг шогирдларидан бўлган (Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий, 1985) ва ундан таъсирланган. У устозининг “ал-Кашф ва ал-Баён” тафсиридан кўп ўринларда бевосита нақл қилганини кўриш мумкин (Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад Воҳидий, “Асбоб ан-нузул”// Саййид Аҳмад Сақар таҳқиқи, 1969). У устозини ишончли деб ҳисоблагани боис у келтирган ривоятларни саҳиҳ деб билиб, ортиқча тадқиқ қилмаган бўлиши мумкин.

Абул Музаффар Муҳаммад ибн Асъад Ҳанафий (567/1172) “Асбоб ан-нузул ва ал-қисос ал-фурқония” (Нозил бўлиш сабаблари ва фурқоний қиссалар) номли асар таълиф қилган. Ушбу асарни Саййид Муҳаммад Абдулкарим Розий икки нусха: Берлин ва Честер Битти нусхалари асосида таҳқиқ қилган. Бироқ бу тадқиқот хали чоп этилмаган.

Шиа олимларидан Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али ибн Шаҳрошуб (ваф. 588/1192)га тегишли асар ҳақида Салоҳиддин Сафадий (ваф. 764/1363): “Асбоб нузул ал-Қуръон” китоби унга нисбат берилди” (Салоҳиддин Сафадий, 1981), деган. Умар Ризо эса уни “ал-Асбоб ва ан-нузул ала мазҳаби Оли ар-расул” (Умар Ризо, нашр йили кўрсатилмаган) деб келтирган.

Абулфараж ибн Жавзий (ваф. 597/1201) “Асбоб ан-нузул” номли китоб тасниф қилган. Ҳожи Халифа (1067/1657) ана шу номдаги асарни унга нисбат берган (Ҳожи Халифа, нашр йили кўрсатилмаган).

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Умар Жаъбарий (732/1332) “Мухтасар асбоб ан-нузул” номли

китобни ёзгани маълум. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхаларидан бири Берлин кутубхонасида 3578 рақам остида сақланмоқда. Муаллифнинг ҳаётлик даврида 709/1309 йил бу қўлёзманинг кўчирилгани эътиборга моликдир. У Воҳидийнинг китобида келган хабарларнинг санадларини тушуриш билангина кифояланган холос (Жалолиддин Суютий, 1964). Икки асарни чуқурроқ таҳлил қилинса, у Воҳидий келтирмаган баъзи хабарларни асарига киритганини гувоҳи бўлиш мумкин. Бунга Бақара сурасининг 14–16-оятларининг нозил бўлиш сабабларига боғлиқ икки ривоят мисол бўлади.

Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Асқалоний (773/1371–852/1448) “ал-Ужаб фи баён ал-асбоб” (Оятлар нозил бўлиши ҳақида ажойиб асар) китобининг муаллифидир. Китоб ана шу номда эканини муаллиф асар муқаддимаси охирида очиқ-ойдин айтган (Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Асқалоний, 2002). Ҳожи Халифа бу китобни икки марта зикр қилган. Бир гал “Асбоб ан-нузул” номи билан иккинчи марта эса “ал-Иъжоб би баён ав тибён ал-асбоб” деб келтирган (Ҳожи Халифа, нашр йили кўрсатилмаган). Биринчи ном тўғрирок. Чунки Жалолиддин Суютий “ад-Дур ал-мансур” асарида бир матнни нақл қилиб: “Ҳофиз Ибн Ҳажар ўзининг сабаби нузулга бағишланган китобининг аввалида келтирган ва уни “ал-Ужаб фи баён ал-асбоб” деб номлаган” (Жалолиддин Суютий, 1983), деган. Иккинчи номга келсак, муаллиф китобини аввал ўша ном билан атаган, сўнгра ўзгартирган бўлиши эҳтимоли бор.

Ибн Ҳажар китобини Воҳидийгача етиб борадиган санадни келтириш билан бошлайди. Кейин эса, бир қанча ривоятларни санадсиз келтирганига эътироз билдиради. Асосий гап санадни келтиришда эмас, ўша санданинг саҳиҳ бўлишида эканини таъкидлаб: “Қанча-қанча узлуксиз санадлар борки, улар ёлғончи, матрук, қўпол хато қилувчи ровийлар томонидан ривоят қилинган. Қанча-қанча хабарлар борки, санадсиз зикр қилинса-да, “бу фалончининг асари кучли санад билан ривоят қилинган” дейилади” (Аҳмад ибн Али Ибн Ҳажар Асқалоний, 1997), дейди. У санади келтирилмаган ривоятларни саҳиҳ, ҳасан, заиф ва ўта заиф каби даражаларини баён қилган. Одатда аввал оятлар хусусида Воҳидийнинг гапини келтириб, сўнгра ўша гапнинг манбасини қайд қилиш ёки ривоятнинг даражасини белгилайди. Бу борада бошқа фикр-мулоҳазалар ва ривоятларни ҳам нақл қилади. Асарни тасниф

мобайнида тафсир, Куръон илмлари, ҳадис ва ҳадис илмлари, сийрат, тарих ва бошқа илмларга оид бир юз йигирма учта манбадан фойдаланган (Ҳожи Халифа, нашр йили кўрсатилмаган).

Жалолиддин Суютий (849/1445–911/1505) “Лубоб ан-нукул фи асбоб ан-нузул” (Сабаби нузул ҳақидаги сара нақллар). Суютий ўз давригача ёзилган асарлардан фойдаланган. Унинг асари Воҳидийникига қараганда ўзининг ихчамлиги, кўп маълумотни жамлагани, ҳар бир ҳадис мўътабар ҳадис тўпламларига нисбат берилгани, саҳих, қабул қилинадиган ва қилинмайдиганлари саралангани, бир-бирига қарама-қарши ривоятлар ораси жамлангани, сабаби нузулга тааллуқли бўлмаганлари чиқариб ташлангани билан ажралиб туради.

Суютийнинг мазкур асари “Асбоб ан-нузул” номи билан Мисрда 1873 йилда алоҳида китоб ҳолида нашр этилган, “Лубоб ан-нукул фий асбоб ан-нузул” номи билан эса “Тафсир ал-Жалолойн”нинг ҳошиясида Мисрда 1897, 1909 йилларда ҳамда Қозон шаҳрида 1910 йилда нашр қилинган. Айни асар Карачида ҳам Куръони каримнинг ҳошиясида 1894–1900 йилларда қайта-қайта нашр этилган.

Атия ибн Атия Ажҳурий (ваф. 1190/1776) нинг “Иршад ар-Роҳман ли Асбоб ан-нузул ва ан-насих ва ал-мансух ва ал-муташадиҳ ва тажвид ал-Куръан” асари. Муаллиф бу китобда Воҳидийнинг “Асбоб ан-нузул” китоби ва Иброҳим Жаъбарий томонидан амалга оширилган унинг мухтасари ҳамда Суютий асарининг хулосасини бир жойда жамлашага ҳаракат қилган. Қисқартириш мақсадида санадларни ва такрорларни келтирмаган. Ҳар бир суранинг нозил бўлиш сабаби ҳақида алоҳида сўз юритиб, кейин ундаги мансух (хукми бекор қилинган) оятларга тўхталади. Сўнгра қайси оятлар муташобех эканини баён қилиб, суранинг фазилати тўғрисидаги маълумотлар билан тугатган.

Замондош олимлардан Муқбил ибн Ҳодий Вадий “ас-Саҳих ал-муснад мин асбоб ан-нузул” номли китоб ёзган. Мазкур асарда икки юз саксон еттита ривоят келтирилган бўлиб, муаллиф ассан матн таҳлилига эмас, санадга кўпроқ аҳамият берган. Айрим ўринларда Мадинада юз берган воқеани маккий оятнинг нозил бўлишига сабаб қилиб келтирган ҳолатни кўриш мумкин. Бунга Мутаффифин сураси борасида келтирилганларини мисол қилиш мумкин. Мазкур сура Маккада нозил бўлган. У эса Ибн Аббоснинг қуйидаги ривоятини

унинг нозил бўлишига сабаб сифатида келтирган: “Набий (с.а.в.) Мадинага келганларида улар ўлчов борасида энг ёмон одамлар эдилар. Шунда Аллоҳ таоло: **“Ўлчовдан уриб қолувчиларга вайл бўлсин”**ни нозил қилди. Шундан сўнг улар ўлчовни яхши қиладиган бўлдилар”. Битта воқеани бир гал маданий оятнинг бошқа ўринда маккий оятнинг нозил бўлишига сабаб қилган. Матн танқиди эътибордан четда қолгани учун Вадий “усулий қоидалар” (Мукбил ибн Ҳодий Вадий, 1983) сарлавҳаси остида келтирган таърифига ривоятлар мос келмай қолган.

Доктор Ҳаммод Абдулҳолик Ҳалва “Асбоб нузул ал-Куръон масодируҳа ва манохижуха” мавзусидаги тадқиқот иши билан докторлик илмий даражасини олган. Кейинчалик ушбу тадқиқот икки жилдда чоп этилган. Муаллиф биринчи жилдини сабаби нузул ривоятларининг манбаларига бағишлаган. Улар “Мувадтоъ”, “Саҳихи Бухорий”, “Саҳихи Муслим”, тафсир китоблари, хусусан, “Тафсири Табарий”, “Тафсири Куртубий”, “Тафсири Ибн Касир” каби тафсирлардан иборат. Бундан ташқари сийрат, мағозий, тарих китобларини тадқиқ этган. “Сийрати Ибн Ҳишом”, “Табақот Ибн Саъд”, “Тарихи Табарий”, Ибн Касирнинг “Ал-Бидоя ван ниҳоя” китобларига ишора қилган. Умуман Куръонга оид “Ал-Бурҳон”, “ал-Итқон”, Воҳидийнинг “Асбоб ан-нузул”, Суютийнинг “Лубоб ан-нукул” каби асарларни ўрганган. Асарда сабаби нузул ривоятларини бир жойга тўплашга эътибор қаратилмаган. Балки имкон қадар шу мавзуга боғлиқ мавжуд манбаларни ўрганиш назарда тутилган. Фикҳ китоблари муаллифнинг назаридан четда қолган. Зеро, имом Косоний (ваф. 587/1191)нинг “Бадое ас-саное”, Ибн Ҳазм (384/994–456/1064)нинг “ал-Муҳалло” каби асарларида ҳам сабаби нузул ҳақида сўз борган. Китобнинг иккинчи жилдида уламоларнинг сабаби нузулни ўрганишда қўллаган услубларига, уни баён қилишда мазҳабларнинг хусусиятларига тўхталиб ўтилган.

Шайх Абдулфаттоҳ Қози ўзининг “Асбоб ан-нузул ан ас-саҳоба ва ал-муфассирийн” (Шайх Абдулфаттоҳ Қози, 1987) асарини таълиф этди. Муаллиф ривоятларни Воҳидий ва Суютий услубида баён этган. Гоҳида воқеа юз берган жойни зикр қилади. Лекин бу китобнинг бошидан охиригача мунтазам давом этмаган. Баъзи вақтларда ровийларни келтиради, айрим ўринларда уларни тушириб қолдиради. Китобда

ривоятларнинг санадлари келтирилмаган. Фикр-римизнинг тасдиғи сифатида куйидаги ривоятни келтирамиз. Муаллиф айтади: “Аллоҳ таоло “Аллоҳнинг йўлида қатл бўлганларни ўликлар деманг. Балки улар тирикдирлар, лекин сиз сезмайсиз”, деган. Бу оят Бадр жангида ҳалок бўлган муслумонлар хусусида нозил бўлган. Улар ўн тўрт нафар эди. Саккиз нафари ансорлардан, олти нафари муҳожирлардан бўлган. Аллоҳ йўлида қатл қилинган кишилар ҳақида одамлар “Фалончи ўлиб кетди, дунё неъмат ва лаззатидан бебаҳра қолди”, дер эдилар” (Шайх Абдулфаттах Қози, 1987). Кўриб турганимиздек, муаллиф бу ерда на ровийни ва на ривоятни ким қайси асаридан келтирганига ишора қилган.

Аллоҳ таолонинг “Уларнинг гўштлири ҳам, қонлари ҳам зинҳор Аллоҳга етмайди. Лекин Унга сиздан тақво етадир” сўзи ҳақида шундай дейди: “Ибн Журайж шундай ривоят қилади: Жоҳилият аҳли Байтул ҳаромга туянинг гўштларию қонларини суртар эдилар. Набий (с.а.в.)нинг асҳоблари суртишга биз ҳақлироқмиз, дедилар. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди. Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган” (Шайх Абдулфаттах Қози, 1987). Олим бу ўринда ровийни ҳам қайси муҳаддис келтирганига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган.

Алявий Халифа Алявий “Жоме ан-нукул фи асбобан-нузулвашарҳиоеътиҳа” асарини жамлаган. Китоб икки жилддан иборат. Муаллиф Куръон оятларининг нозил бўлиш сабаби борасида келган сўзларни тўплаган. Китобнинг номидан у ўз ичига олган маълумотларга мос десак, хато қилмаган бўламиз. Чунки у маълумотларни текширмасдан ва таққиқ қилмасдан келтиравергани боис ўқувчи унда сараланмаган нақллар йиғиндисида дуч келади.

## ХУЛОСА

Сабаби нузул илми Куръони карим нозил бўлиши билан боғлиқ илмлар сирасига киради. Бу илм ҳам бошқа илмлар каби дастлаб тарқок ривоятлар ҳолатида бўлиб, муайян ном билан аталмаган. Ваҳий билан ҳамнафас яшаган саҳобалар оятларни яхши англаш мақсадида уларни вазият ва ҳолат билан бирга ёдлаб қолишга ҳаракат қилганлар. Кейинги авлод вакиллари – тобеинлар эса динга оид бошқа маълумотлар қатори оятларнинг нозил бўлиш сабабларини ҳам саҳобалардан ўрганганлар. Зарарурат тақозосига

кўра тобеинлар даврида ҳадисларни тўплаш ишлари бошлаб юборилгани, сабаби нузулга оид ривоятлар ҳадислар сирасида нақл қилинганини кўриш мумкин. Кейинчалик эса ҳадис тўпламлари, тафсир китоблари, сийратга оид асарлардан жой олган ва шу зайдда ривожланиб мустақил илм сифатида ажралиб чиққан ҳамда ҳозирги кундаги кўринишга келган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, муслумон уламолар томонидан сабаби нузул масаласига катта эътибор қаратилган. Ривоятларни саҳиҳ ва носаҳиҳга ажратиш, саралаш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш, гоҳида муфассал, баъзан эса мухтасар шаклда асарлар тасниф этиш орқали уламолар сермахсул маҳнат қилганлар.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулхай ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Имом Ханбалӣ. (1989). Шазарот аз-заҳаб фи ахбар ман заҳаб. Байрут: Дор Ибн Касир.
2. Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ханбал. (2001). ал-Муснад // Шуайб Арнаут таҳқиқи. Байрут: Муассаса ар-рисала.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Наср Марвазий. (2001). Ас-Сунна. Риёз: Дор ал-осима.
4. Абу Довуд Сулаймон ибн Довуд Таёлисий. (1999). Муснад Абу Довуд Таёлисий // Муҳаммад Абдул Муҳсин Туркий таҳқиқи. Миср: Дор Ҳажар.
5. Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад Воҳидий. (1969). “Асбоб ан-нузул” // Саййид Аҳмад Сақар таҳқиқи. Байрут: Дор ал-китоб ал-жадид.
6. Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад Воҳидий. (1969). “Асбоб ан-нузул” // Саййид Аҳмад Сақар таҳқиқи. Байрут: Дор ал-китоб ал-жадид.
7. Абулқосим Али ибн Ҳасан ибн Ҳибатуллоҳ ибн Асоқир. (1995). Тариху Мадинати Димашқ // Муҳиббуддин Абу Саъид Умарий таҳқиқи. Байрут: Дор ал-фикр.
8. Аҳмад ибн Али Ибн Ҳажар Асқалоний. (1997). “ал-Ужаб фи баян ал-асбаб” // Абдулҳакам Унайс таҳқиқи. Даммом: Дор Ибн ал-Жавзий.
9. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. (2002). Ал-Ужаб фи баян ал-Асбоб // Абу Абдурраҳмон Фаввоз Аҳмад Замарлий таҳқиқи. Байрут: Дор Ибн Ҳазм.
10. Жалолиддин Суютий. (1964). Буғят ал-вуати фи тобақот ал-луғавийин ва ан-нуҳати // Абулфазл Иброҳим. Ж. 1. . Қоҳира: Нашриёти кўрсатилмаган.
11. Жалолиддин Суютий. (1983). Ад-Дур ал-мансур фи тафсир ал-маъсур. Ж. 8. . Байрут: Дор ал-фикр.
12. Заркаший. (1980). Бурхон фи улум ал-Куръон // Муҳаммад Абулфазл Иброҳим таҳқиқи. Байрут: Дор ал-фикр.

13. Иброҳим ибн Мусо Шотибий. (1997). ал-Мувафақот // Машхур ибн Ҳасан таҳқиқи. ар-Риёд: Дор Ибн Аффон.
14. Қосим Халаф Ансорий ибн Абдулмалик (Ибн Башкувал). (1966). Ас-Сила. Қоҳира: ад-Дор ал-Мисрия.
15. Муқбил ибн Ҳодий Вадий. (1983). “Ас-Саҳих ал-муснад мин Асбоб ан-нузул”. Қувайт: Дор ал-Арқам.
16. Муҳаммад Ажжаж Хатиб. (1988). Ас-Сунна қобла ат-тадвин. Қоҳира: Мактаба ваҳба.
17. Муҳаммад ибн Саъд ибн Маниъ. (2001). Табақот ал-қубро // Али Муҳаммад Умар таҳқиқи. Қоҳира: Мактаба ал-хонижий.
18. Муҳаммад Муҳаммад Абу Заҳв. (1958). ал-Ҳадис ва ал-муҳаддисун. Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-арабий.
19. Салоҳиддин Сафадий. (1981). Ал-Вафий би ал-вафят // С. Дедеринг таҳқиқи. Ж. 4. . Висбаден: Нашриёти кўрсатилмаган.
20. Умар Ризо. (нашр йили кўрсатилмаган). Муъжам ал-муаллифийн. Ж. 12. Байрут: Дор ийё ат-турос ал-арабий.
21. Фахд ибн Абдурахмон Румий. (2005). Диросат фи улум ал-Қурон карим. Риёз: Мактаба ал-Фахд ал-ватания.
22. Ҳожи Халифа. (нашр йили кўрсатилмаган). Кашф ан-зунун ан асами ал-кутуб ва ал-фунун. Ж. 1. Байрут: Дор ийя ат-турос ал-арабий.
23. Шайх Абдулфаттах Қози. (1987). “Асбоб ан-нузул ан ас-саҳоба ва ал-муфассирийн”. Байрут: Дор ан-надва.
24. Шамсиддин Муҳаммад ибн Али Довудий. (1983). Тобақот ал-муфассирийн. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
25. Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. (1987). Тарих ал-ислом. Байрут: Дор ал-китоб ал-арабий.
26. Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. (1985). Сияру аълам ан-нубала // Шуъайб Арнаут таҳқиқи. Байрут: Муассаса ар-рисола.
6. Abul Hasan Ali ibn Ahmad Vahidi. (1969). Asbab an-nuzul // Research by Sayyid Ahmed Saqar. Beirut: Dar al-kitab al-jadid.
7. Abulqasim Ali ibn Hasan ibn Hibatullah ibn Asokir. (1995). Tarikhu Madinati Dimashq // Research by Muhibbuddin Abu Sa'id Umari. Beirut: Dar al-fikr.
8. Ahamad ibn Ali Ibn Hajar Asqalani. (1997). al-Ujab fi bayan al-asbab // Research by Abdulhkaime Unays. Dammam: Dar Ibn al-Jawzi.
9. Ahmad ibn Ali ibn Hajar al-Asqalani. (2002). Al-Ujab fi bayan al-asbab // Research by Abu Abdurrahman Fawwaz Ahmed Zamarli. Beirut: Dor Ibn Hazm.
10. Jalaluddin Suyuti. (1964). Bugyat al-wuati fi tabaqat al-lugawiyin wa an-nuhati // Abulfazl Ibrahim. Vol. 1. Cairo: Publisher not specified.
11. Jalaluddin Suyuti. (1983). Ad-Dur al-mansur fi tafsir al-ma'sur. J. 8. Beirut: Dar al-fikr.
12. Zarkashi. (1980). Burhan fi ulum al-Qur'an // Research by Muhammad Abulfazl Ibrahim. Beirut: Dor al-fikr.
13. Ibrahim ibn Musa Shatibi. (1997). al-Muwafaqat // Research by Mashhur ibn Hasan. Riyadh: Dar Ibn Affan.
14. Qasim Khalaf Ansari ibn Abdulmalik (Ibn Bashkuwal). (1966). As-Sila. Cairo: al-Dar al-Misriya.
15. Muqbil bin Hadi Wadi'i. (1983). “As-Sahih al-musnad min asbab an-nuzul”. Kuwait: Dar al-Arqam.
16. Muhammad Ajjaj al-Khatib. (1988). As-Sunnah qaba al-tadwin. Cairo: Maktaba Wahba.
17. Muhammad ibn Sa'd ibn Mani'. (2001). al-Tabaqat al-Kubra // Research by Ali Muhammad Umar. Cairo: Maktaba al-Khaniji.
18. Muhammad Muhammad Abu Zahw. (1958). al-Hadith and al-Muhaddisun. Cairo: Dar al-kutub al-arabi.
19. Salahiddin Safadi. (1981). Al-Wafi bi al-wafyat // S. Dederling investigation. Vol. 4. Wiesbaden: Publisher not specified.
20. Omar Reza. (the year of publication is not indicated). Mu'jam al-muallifiyn. Vol. 12. Beirut: Dor iya at-turos al-arabi.
21. Fahd ibn Abdurrahman Rumi. (2005). Dirosat fi ulum al-Quran karim. Riyaz: Maktaba al-Fahd al-wataniya.
22. Haji Khalifa. (the year of publication is not indicated). Kashf an-zunun an asami al-kutub wa al-funun. Vol. 1. Beirut: Dar ihya at-turos al-arabi.
23. Sheikh Abdulfattah Qadi. (1987). Asbab an-Nuzul an as-Sahaba wa al-Mufassirin. Beirut: Dar an-nadwa.
24. Shamsuddin Muhammad ibn Ali Dawudi. (1983). Tabaqat al-mufassiriyn. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
25. Shamsuddin Muhammad ibn Ahmad al-Zahabi. (1987). History of Islam. Beirut: Dar al-Kitab al-Arabi.
26. Shamsuddin Muhammad ibn Ahmad al-Dhahabi. (1985). Siyaru a'lam an-nubala // Research by Shu'ayb Arnaut. Beirut: Institution ar-risola.

#### REFERENCES

1. Abdulhai ibn Ahmad ibn Muhammad ibn Imad Hanbali. (1989). Shazarat az-zahab fi akhbar man zahab. Beirut: Dar Ibn Kasir.
2. Abu Abdullah Ahmad ibn Hanbal. (2001). al-Musnad // Study of Shuayb Arnaut. Beirut: Institution ar-risala.
3. Abu Abdullah Muhammad ibn Nasr Marwazi. (2001). Al-Sunnah. Riyaz: Dar al-Asima.
4. Abu Dawud Sulaiman bin Dawud Tayalisi. (1999). Musnad Abu Dawud Tayalisi // Research by Muhammad Abdul Muhsin Turki. Egypt: Dor Hagar.
5. Abul Hasan Ali ibn Ahmad Vahidi. (1969). Asbab an-nuzul // Research by Sayyid Ahmed Saqar. Beirut: Dar al-kitab al-jadid.